


Ш.Ш.ШОДМОНОВ,
У.В.ҒАФУРОВ,
О.Ҳ.ҲАМРОЕВ,
Э.Ш. ШАДМАНОВ

**ИҚТИСОДИЁТДА
ТЕЖАМКОРЛИК
ВА МУТАНОСИБЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ
АСОСЛАРИ**



338
61-9A

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС.
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ш.Ш.ШОДМОНОВ, У.В.ҒАФУРОВ, О.Х.ҲАМРОЕВ,

Э.Ш. ШАДМАНОВ

ИҚТИСОДИЁТДА ТЕЖАМҚОРЛИК ВА
МУТАНОСИБЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-
УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

ТОШКЕНТ – 2010

УДК: 338(575.1)

ББК 65.05

И99

И99 Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари. Ш.Ш.Шодмонов (ва бошқ.): ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Тошкент Давлат иқтисодиёт ун-ти. –Т.: ADIB NASHRIYOTI, 2010. -256 бет.

Ш.Ш.Шодмонов

Монографияда иқтисодиётда бозор ислохатлари, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, уни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида тежамкорлик ва мутоносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари, бу борадаги mavjud муаммолар ва уларни хал этиш борасидаги илмий-амалий тавсиялар баён этилган.

Монография ИТД ОТ-Ф8. Ижтимоий-гуманитар фанлар дастури доирасидаги ОТ-Ф7-121 “Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари” мавзусидаги грант асосида бажарилган бўлиб, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Иқтисодиёт соҳасидаги олим ва мутахассислар, тадқиқотчилар, магистрантлар ва бакалаврият талабалари, шунингдек, тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлаш масалаларига кизиқувчилар учун мўлжалланган.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Н.Х.Жумаев

тахрири остида

ISBN 978-9943-317-27-7

УДК: 338(575.1)

ББК 65.05

© “ADIB NASHRIYOTI” МЧЖ, 2010

© Ш. Шодмонов ва бошқалар

КИРИШ

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, пировард мақсад – озов ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашнинг муҳим шартин бўлган, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланган мустақил тараққиёт йўлини таилади. Ўша даврдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги мураккаб вазият, қийинчиликлар ва муаммоларга қарамай, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган, машхур бешта асосий тамойилларни ўз ичига олувчи “Ўзбек модели”да белгилаб берилган тараққиёт йўлидан оғишмай, илгари қараб борилди. Ушбу жараёнинг мазмун-моҳияти, ундаги мураккаб вазиятлар, зиддиятларнинг ўз ечимини топишидаги йўналиш ва чоралар, эришилган муваффақиятлар аҳамиятини Президентимизнинг кўплаб асар ва маърузаларида баён этилган. Бу киши хусусан, ушбу масалаларга 2010 йилнинг 12 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузада ҳам тўхталиб қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: “Маълумки, собиқ тузум даврида республикамизнинг иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, фақат хом ашё етиштиришга йўналтирилган бўлиб, машъум салбий оқибатларга олиб келган пахта яққаҳоқимлиги авжига чиққан эди. Ўзбекистон ўзининг қолоқ ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси билан собиқ иттифоқда жон бошига истеъмол даражаси бўйича энг паст ўринда турарди. Мустақил ривожланмиш йилларида – тарихан қисқа бир даврда юртимиз янги ва улкан марраларни қўлга киритди, бунинг натижасида мамлакатимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бормоқда”¹.

Президентимиз томонидан тилга олинган улкан марраларга эришишда ижтимоий йўналтирилган, замонавий ва эркин бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантирилиши асос ролини ўйнади. Мустақиллик йилларида иқтисодиётда эркинлаштириш, модернизациялаш, диверсификациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш натижасида кўп тармоқли ва тўлақонли миллий иқтисодиётни барпо этишга эришилди.

Янгича қиёфадаги, замонавий ва рақобатбардош бўлган миллий иқтисодиётга эришиш узок йиллар давомида ҳукм суриб келган маъмурий-буйруқбозлик тизими асоратларини бартараф этиш билан бир қаторда, айнан шу тизимнинг амал қилиши оқибатида эътибордан четда қолган, бозор иқтисодиётининг муҳим тамойиллари ва шартларидан бири бўлган тежамкорлик талабларига риоя этишни такозо этар эди. Мамлакатдаги деярли барча иқтисодий ресурс ва неъматларга давлат мулкчилиги шaroитида бутун иқтисодиётда исрофгарчилик, хўжасизлик, ижтимоий мулк ва неъматларни талон-тарож қилиш, боқимандалик, лоқайдлик каби иллатлар авж олди ҳамда, бунинг оқибатида, айнан шу иллатлар таъсирида мазкур иқтисодий тизимнинг емирилиши, таъаззулга юз тутишига олиб келди.

¹ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 13 ноябрь.

Бундан кўринадики, тежамкорлик ҳозирги шароитда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омили ҳисобланади. Иқтисодий ўсишнинг жадал суръатларини таъминлаш учун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-техникавий негизларини мустаҳкамлаш, кўшимча маблағларни жалб қилиш, ишчи кучи ресурсларининг самарали бандлигини таъминлаш каби долзарб муаммоларнинг ечими ҳам кўп жиҳатдан тежамкорликка боғлиқ.

Маълумки, республикамиз катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлиб, ўтиш даврининг дастлабки йилларида хом ашё ва табиий ресурслар экспорти иқтисодий тараққиётнинг муҳим йўналиши бўлиб келди. Бу эса иқтисодиётимизни жаҳон бозорининг конъюнктуравий ўзгаришларига боғлиқлигини кучайтириб, кўплаб ресурсларнинг четга чиқиб кетишига олиб келди.

«Ҳеч шубҳасиз, эзгу мақсадларни амалга ошириш йўлида, аввало, барча муаммолар каторида муҳим бир масалага алоҳида эътиборимизни қаратишга бизни бугунги ҳаётнинг ўзи мажбур қилмоқда. Гап, аввало, мамлакатимизнинг улкан моддий ва табиий ресурсларидан тежаб-тергаб, самарали ва оқилона фойдаланиш устида бормоқда. Биз биричи галда, табиатнинг бебаҳо неъматини – халқимизнинг бойлиги бўлмиш экин экиладиган ердан, суғориш ва ичимлик сувидан, ёқилғи-энергетика, минерал-хом ашё ва бошқа ресурслардан тўғри, асраб-авайлаб ва тежамкорлик билан фойдаланишимиз лозим».²

Тежамкорлик категорияси назарий жиҳатдан эътироф қилиниб, чуқур ўрганилмаган бўлса-да, табиий бойликлар, ресурслар, атроф-муҳит, коинот муҳофазасига кейинги пайтларда берилаётган эътибор амалда унга риоя этилаётганини кўрсатади. Лекин назарий жиҳатдан, пухта ўрганилиб, илмий асосланган концепция мавжуд бўлмаса, бу муаммо тўла ҳал этилмай қолаверади.

Фикримизча, тежамкорлик категориясининг мазмуни шу пайтгача адабиётларда маълум даражада ёритилган ва кўпчиликка маълум бўлган вақтни тежаш қонунидан кенгроқ муҳимроқ ва долзарброқдир. Инсоният яралгандан бери хўжалик амалиётида у ёки бу даражада вақтни тежаш қонунига риоя этган, чунки рақобат, талаб-таклиф, фойда олишга интилиш бунга мажбур қилиб келган. Лекин тежамкорлик категорияси инсоният олдига хавф-хатар, тўсиқ ва барча ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоларини кескин ҳолда қўймаганлиги сабабли ўз вақтида тан олинмай келди. Бугунги кунда эса яъни бозор иқтисодиёти шароитида бу тушунча долзарб бўлиб, унга амал қилишнинг ҳар қандай бузилиши оқибатлари дарҳол ҳаммага маълум бўлиб қолмоқда.

Вақтни тежаш қонунининг бузилиши айрим иқтисодий субъектлар фаолиятида ўз аксини топса, яъни уларнинг рақобатга бардош беролмаслиги ва синишига олиб келса, тежамкорлик категорияси талабларининг бузилиш

² Каримов И.А. 2001 йилда Республикада ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилдаги вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи», 2002 йил 15 февраль.

асоратлари эса айрим субъектлар фаолияти билан чекланиб қолмай, шу билан бирга бутун мамлакат ва бутун дунё иқтисодиётига ўзининг беқарорлаштирувчи таъсирини кўрсатади. Яъни тежамкорлик талабларининг тан олинмаслиги иқтисодиёт ва табиатдаги мувозанат ҳамда мутаносибликларнинг бузилишига олиб келади. Шу сабабли у оламшумул аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кечаётган глобаллашув жараёنлари тежамкорлик масалалари борасида ҳам мамлакатларнинг бир-бирига яқинлашуви ва биргалашиб бу муаммоларни бартараф этишларига олиб келиши муқаррар. Чунки айрим муаммолар алоҳида олинган мамлакат миқёсида эмас, балки бутун жаҳон миқёсида ҳал этилиши лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда бозор ислохотларини амалга ошириш, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш ва модернизациялаш жараёнлари, бир томондан, олдинги иқтисодий тизимдан мерос бўлиб қолган мамлакатимиз иқтисодиётидаги бир ёқлама ривожланишга барҳам бериш ва узилган ҳўжалик алоқаларини тиклаш, иккинчи томондан эса, иқтисодиётнинг тармоқ, соҳа ва бўлинмалари ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик ва мувозанатликни йўлга қўйишни тақозо этар эди.

Миллий иқтисодиётда бозор муносабатлари иқтисодий ҳаётнинг реал воқелигига айланиши унинг ижобий томонлари намоен бўлиши билан бир қаторда бозор иқтисодиётига хос бўлган айрим ноҳўш ҳолатлар: ривожланишнинг тўлқинсимон бориши, циклик тавсифга эга бўлиши, иқтисодий беқарорлик, «номувозанатлик», «номутаносиблик», «инкйроз» каби салбий ҳолатлар ҳам кўрина бошлади. Бундан ташқари, жаҳон ҳўжалигида рўй бераётган интеграцион жараёнларининг тезлашуви, ишлаб чиқаришнинг марказлашуви, байналмилаллашуви, экологик, демографик вазиятнинг кескинлашуви ҳам миллий иқтисодиёт олдига мувозанатли, мутаносибли ривожланиш масаласига алоҳида эътибор бериш заруратини келтириб чиқарди.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда АҚШнинг ипотека кредити тизимида бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инкйрози деярли барча мамлакатларнинг банклари, молиявий тизимларини ларзага солиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетишига, қўплаб корхоналарнинг ёпилиб, ишсизлар сонининг ортишига, турли мамлакатлар пулининг қадри тушиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бундай вазиятда дунёдаги қўплаб ҳукумат раҳбарлари, давлат арбоблари, сиёсатчилар, етакчи олим ва мутахассислар инкйрознинг салбий оқибатлари таъсиридан ҳимояланиш ҳамда уни бартараф этиш чора-тадбирларини изламоқдалар.

Худди шундай долзарб бир пайтда Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкйрози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асари чоп этилиб, унда мамлакатимизда инкйроз салбий таъсирининг олдини олиш ва уни юмшатишнинг аниқ чора-тадбирлари белгилаб берилди.

Мазкур асарда таъкидланишича, «Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инкйрози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан

иборат»³. Шунга кўра, мамлакатимизда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилиниб, унда кўплаб самарали чоратadbирлар белгилаб олинган.

Глобал инқирознинг олдини олиш ёки унинг салбий таъсирини юмшатиш йўлларини аниқлаш учун энг аввало унинг келиб чиқиш сабабларини билиш зарурдир. Фикримизча, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири иқтисодиётнинг турли бўлаклари, соҳалари, тармоқлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликнинг ниҳоят даражада кучайиши ва улар ўртасидаги мутаносиблик ва нисбатларнинг бузилиши ҳисобланади.

Мисол учун, бозор иқтисодиёти шароитида ялпи талаб ва ялпи таклиф, яъни ншлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми билан муомаладаги пул массаси ўртасидаги нисбатни олайлик. Интернет ва бошқа турли манбалардан олинган маълумотларга кўра ҳозирда бутун жаҳон мамлакатларнда ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмига қараганда амалда мавжуд бўлган пул ва турли хил тулов воситалари массаси деярли 10 баробар ошиб кетган⁴. Агар пулнинг айланиш тезлиги ҳисобга олинадиган бўлса, мавжуд пул массаси муомала учун зарур бўлган пул миқдоридан 50-60 баробар ошиб кетганлигини кўрсатади. Бунинг натижасида иқтисодий инқироз энг аввало пул-молия соҳаларидан бошланиб, кейинчалик ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларни камраб олди.

Иқтисодий инқирознинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар фақатгина ЯИМ ҳажми билан пул массаси ўртасидаги мутаносибликнинг бузилишн бўлмай, шу билан бирга бошқа қатор иқтисодий нисбатларнинг бузилиши билан ҳам боғлиқдир. Масалан, инқироз ишлаб чиқариш билан истеъмол, мавжуд ишчи кучи билан иш жойлари, ишлаб чиқаришининг турли омиллари, иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликларининг бузилиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган жараёндир. Бу ҳолат кўплаб иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг онгида мавжуд бўлган бозор иқтисодиёти силлиқ ва равон, тўхтовсиз ривожланади, ўзини-ўзи тартибга солади деган нотўғри фикрни ўзгартириш ва иқтисодий жараёнларга хушёрроқ қараб, уни мутаносибли, мувозанатли ривожлантириш йўлларини кидириб топиш зарурлигини кўрсатади.

Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юз бериб турган, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган, меҳнат тақсмоти чуқурлашаётган ва мураккаблашаётган, иқтисодий жараёнлар глобаллашаётган, иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш давом этаётган ҳозирги мураккаб шароитда иқтисодий мутаносиблик ва мувозанатликни таъминлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этмокда.

³ Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.4

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини урганиш бўйича ўқув кулланма. - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – Б.13.

Бозор муносабатлари асосида шаклланаётган миллий иқтисодиётимиз таркибий жиҳатдан ғоят мураккаблашиб ва жўшқинлашиб бораётганлиги сабабли мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг бугунги кундаги асосий вазифаси иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг барқарор ва ўзаро мутаносиб таркибий тузилмасини шакллантириб боришдан иборат.

Ҳозирги даврда миллий иқтисодиётимиз ривожланишининг ўзига хос хусусияти шундаки, у бир томондан, бозор механизмини шакллантириш шароитида баъзи тармоқлар, соҳалар ва бўлинмалар ўртасидаги бўзилган нисбатларни, мутаносибликларни тиклашни талаб қилса, иккинчи томондан эса, ишсизлик ва инфляция каби салбий ижтимоий-иқтисодий жараёнларга йўл қўймасликни, ишлаб чиқаришнинг истеъмолга миқдор, таркиб ва сифат жиҳатдан мос келишини, яъни ялпи талаб билан ялпи таклиф мувозанатини таъминлашни тақозо этади.

Шунингдек бозор иқтисодиёти шароитида номувозанатликлар чегарасини аниқлаш ва таъминланган мувозанатларни сақлаш катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, иқтисодиётимизда эришилган ютуқлар билан бир қаторда аҳолини иш билан таъминлаш, миллий валюта барқарорлигини сақлаш, ишлаб чиқариш кувватларидан тўлиқ фойдаланиш реал иқтисодий ўсиш суръатларини барқарорлаштириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш масалаларини янада такомиллаштириш зарурати сезилмоқда.

Илмий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари шунини кўрсатадики, ғарб мамлакатлари олимлари томонидан 400-500 йил давомида ёзилган ва бизга етиб келган адабиётларда асосан мувозанатлик муаммосига эътибор берилиб, мутаносиблик масаласи тамомилан эътибордан четда қолган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида МДҲ мамлакатларида бу борала амалга оширилган тадқиқотлар ва яратилган адабиётларнинг кўпчилигида ғарб иқтисодчиларига кўр-кўрона таклид қилиниб, мувозанатликка маълум даражада эътибор берилмоқда. Мувозанатликнинг мазмуни, намоён бўлиши, амал қилиш механизмлари маълум даражада ёритилмоқда, аммо мутаносиблик категориясига бозор иқтисодиёти тизимига хос эмас деб қаралиб, унга эътибор берилмасдан келинмоқда³.

2001 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Идоралараро Мувофиқлаштирувчи Кенгаши мажлисида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан иқтисодиётнинг турли томонлари ўртасида жиддий номутаносибликлар борлиги таъкидланиб, уларни

³ Каралсин Куликов Л.М. Экономическая теория: учеб. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005 – 432 с.; Борисов Е. Ф. Экономическая теория: учеб. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005 – 544 с.; Иохин В.Я. Экономическая теория: Учебник. – В.Я. Иохин – М.: Экономика, 2005 - 861 с.; Экономика: Учебник. 3-е изд., перераб. и доп. Под ред. д-ра экон. наук проф. А.С. Булатова – М.: Экономика, 2005. – 896 с.; Экономическая теория: Учебник для студентов высших учебных заведений. Колл. авт. К.Абдурахмонов и др. – Т. «Шарк», 1996 -640 с.; Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т. «Шарк» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2006 – 480 б.; Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений. Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Гуманитар изд. центр ВЛАДОС, 2004 – 592 с.; Экономическая теория: Учебник. – Изд. испр. и доп. Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 672 с. ва бошқ.

бартараф қилиш зарурлиги ва йўллари кўрсатилганидан кейин МДХ мамлакатлари ичида биринчи марта Ўзбекистонда бу масалага эътибор берилди бошланди ва айрим тадқиқотлар олиб борилди.

Айни пайтда, иқтисодий мутаносиблик ва мувозанатлик муаммосининг баъзи жиҳатлари ёритилган бўлсада, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида ҳозирги замон бозор иқтисодиёти тизимида уларнинг мазмуни, тутган ўрни, вазифаси ва мақсади каби масалалар яхлит ҳолда етарлича ўрганилмаган. Шунга кўра, мазкур илмий монографиянинг асосий мақсади мамлакатни модернизациялаш, иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишларини баён этншга қаратилган. Мазкур монографияда тежамкорлик, мувозанатлик ва мутаносиблик каби иқтисодий категорияларнинг мазмунини, уларни таъминлашнинг объектив зарурлиги, намоён бўлиш шакллари, иқтисодиётни тежамли ривожлантиришдаги ўрни, амалга ошириш механизмларни каби масалаларни назарий ва амалий жиҳатдан ёритишга ҳаракат қилинган.

1-БОБ. ТЕЖАМКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА УНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тежамкорлик тўғрисидаги турли назарий қарашларнинг таҳлили

Инсоният ҳаёти ва унинг тараққиёти жуда мураккаб, кўп қиррали ва ғоят чигал муаммоларга бойдир. Хусусан, кишиларнинг яшаши ва камол топиши учун зарур бўлган кийим-кечак, озиқ-овқат, уй-жой ва бошқа ҳаётий воситаларга эҳтиёжларни қондириш ўтган барча ижтимоий-иқтисодий тузумлардаги сингари ҳозирда ҳам, келажакда ҳам долзарб масала сифатида қолиши шубҳасиздир.

Маълумки, собиқ Иттифоқдаги маъмурий-буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиёт учун иқтисодий ўсишнинг устувор экстенсив тури хос бўлган. Яъни жамият эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга ва иқтисодий ўсишга аксарият ҳолларда қўшимча сарф-харажатларни ошириш ҳисобидан эришилган. Чунки, ўша даврда мамлакатда ҳали ишлаб чиқаришга жалб қилинмаган иқтисодий ресурсларнинг катта захираси мавжудлиги, қолаверса, ягона мафкураравий йўналишда бўлган бир қатор ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари уларни хўжасизларча, тежамкорлик тамойилларига амал қилмаган ҳолда сарфлаш имконини берар эди.

Бозор иқтисодиёти қоидалари асосида замонавий ривожланган мамлакатлар хўжалик юритиш усули эса буидай ўсишни инкор этади. Чунки, бу усул энг аввало талаб ва таклиф, рақобат механизмлари, нархнинг эркин шаклланиши, фойдани максималлаштириш қоидаларига асосланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар билан боғлиқ ижтимоий ишлаб чиқариш ва моддий ресурслар истеъмоли жараёнини ташкил этиш усулларини бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштириш долзарб вазифага айланди. Айниқса, мавжуд иқтисодий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Зеро, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, меҳнат буюмларига сарфланадиган харажатларни атиги 1 фоизга қисқартириш орқали иқтисодий самаранинг миллиардлаб сўмга ошишига эришиш мумкин.

Тежамкорлик муаммосининг тобора долзарб аҳамият касб этиб бориши сайёрамиздаги табиий ресурслар захирасининг камайиб бориши билан ҳам изоҳланади. Жумладан, инсоният 2500 йилга келиб, барча металл захираларини сарфлаб бўлиши башорат қилиниб, бунда темир рудаси 250 йилга, алюминий 570, мис 29, рух 23, қалайи 35, қўرғошин 19 йилга етиши тахмин қилинмоқда. Амалда ҳозир яшаётган авлод ҳам ишлаб чиқаришда қўрғошин, қалайи, рух, олтин, кумуш, платина, никел, вольфрам, мисдан фойдаланиш муаммосига дуч келмоқда.

Яқин юз йил ичида ишлаб чиқаришни энергоресурслар: нефть, газ, кўмир билан таъминлаш муаммоси ҳам алоҳида муаммо бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.⁶

Шунга кўра, иқтисодий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш масаласига Президентимиз И.А.Каримов томонидан ҳам долзарб муаммо сифати-

⁶ Каранг. Зубко Н. М. Экономическая теория. - Минск: НТЦ АПИ, 1998. 61-б

да каралиб, бу борадаги фикр-мулоҳазалари кўплаб асар ва нутқларида баён этилмоқда. Хусусан, у 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар ва уларни амалга оширишдаги мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, ер, сув, газ ва энергетика ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш масалаларига атрофлича тўхталиб ўтди.⁷ Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари ўзининг 2006 йил 10 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида энергия ресурслари, биринчи галда, кўп миқдорда энергия сарф этадиган тармоқлар – кимё, рангли металлургия, электр энергетикаси ва бошқа соҳаларда қаттиқ тежамкорликни таъминлашни устувор йўналиш сифатида белгилаб берди. Президентимиз бугунги кунда энергетика масаласининг долзарб аҳамият касб этишига тўхталиб, бу масалада Ўзбекистон ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакат ҳисобланишини, бироқ бу мазкур ресурсларга хўжасизларча муносабатда бўлиш ҳуқуқини бермаслигини таъкидлади. Бунинг учун эса энергия ресурсларидан фойдаланишда келгуси авлод туғрисида ҳам қайғуришни, ундан тежамли фойдаланиш ҳисобига мамлакатдаги иқтисодий ўсишни таъминлашга ҳаракат қилиш зарурлигини уқтирди.⁸

Маълумки, иқтисодий назарияда иқтисодий тизимлар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Иқтисодий тизимлар турлича бўлишига қарамай, уларнинг барчасида тежамкорлик иқтисодиётнинг асосий масаласи бўлиб, у вақт ўтиши билан тобора кучлироқ аҳамият касб этиб боради. Чунки, инсоният эҳтиёжларининг ўсиб бориши уларни қондириш учун яроқли бўлган иқтисодий, айниқса табиий ресурсларнинг нисбатан камайиб бориши рўй беради. Айни пайтда, фан-техника тараққиёти натижасида ресурслардан фойдаланишнинг муқобил йўл ва усуллари пайдо бўлиб, инсон томонидан яратилган ресурслардан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб борсада, табиий ресурсларни такрор ҳосил қилиш имконияти чекланганлигича қолаверади.

Иқтисодиёт назарияси фанининг тарихан шаклланишига назар соладиган бўлсак, қадим-қадимдан мутафаккирлар тежамкорликка эришиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари хусусида ўз ёндашувларини баён қилганлар. Шунинг учун тежамкорликнинг ҳар қандай иқтисодиётнинг асосий масаласи сифатидаги мазмунини иқтисодиёт назарияси фанида тупланган бой илмий ёндашувларни

⁷ Каримов И. А. Ислохотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир // «Халқ сузи» газетаси. 18 февраль 2003 йил.

⁸ Эришилган нутқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Ўзбекистон овози. 2006 йил 11 февраль.

1.1.1-жадвал

Тежамкорлик бўйича назарий қондаларнинг ривожланишидаги асосий қарашлар ва ёндашувлар

Асосий қарашлар ва ёндашувлар	Ёндашув манбаи, унинг асосчилари ёки намояндалари	Илгари сурилган назарий қондалар
Диний тарбия унсури ва инсонийлик хислати сифатидаги ёндашув	Зардуштийлик, «Авесто» китоби	Тежамкорлик иқтисодий фаолият ва жараёнларда юқори ўрин тутди, у кишилар моддий фаровонлигининг дастлабки шарт ҳисобланади
	Христиан дини, Жан Кальвин	Муътадиллик, тежамлилик, олдиндан қўра билишлик тадбиркорнинг эзгу хислатлари ҳисобланади
	Исломи дини ва унинг асосий ғоясини тарғиб этувчи ҳадислар (Қуръони Карим, Имом Бухорий, Имом Аҳмад, Ан-Насоий, Ибн Можжа каби ҳадисшунослар)	Исрофгарчиликнинг олдини олиш, тежамкорликка интилиш инсоннинг асосий бурчи сифатида баҳоланади
Иқтисодий фаолиятни ривожлантирувчи омил сифатидаги ёндашув	Ибн Холдун Абдурраҳмон Абу Зайд	Ҳар қандай иқтисодий фаолият негизида тежамкорлик етади. Уларнинг ривожини бевосита меҳнат унумдорлигининг ўсиши, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланаётган вақт ва ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Меҳнат тақсими меҳнат унумдорлигини оширади ва қўшимча маҳсулот яратилишига моддий замин тайёрлайди
Меҳнат тақсими, иқтисослашув ва ўзаро айирбошлаш натижаси сифатидаги ёндашув	Классик иқтисодий мактаби, А.Смит	Тежамкорликка инсонларни кўпроқ ўз ҳолатларини яхшилаш хоҳиши ундайди. Унга айирбошлаш ва меҳнат тақсими тинч ўзаро алоқадорлиги орқали эришиш мумкин
	Классик иқтисодий мактаби, Д.Рикардо	Тежамкорликка таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Асосий омил – техника ривожланиши ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалиги ва саноатда меҳнат сарфини камайтиради. Бу эса кишиларнинг эҳтиёжларини қондирувчи буюмлар нархларининг пасайишига олиб келади
Халқаро рақобатбардошлик омил сифатидаги ёндашув	М.Портер	Мамлакатнинг халқаро рақобатга лаёқатлигини бевосита тежамкорликка боғлаб, унинг фирма, ишлаб чиқариш ва макронқисодий даража миқёсидаги тежаш каби турларнинг ажратиш курсатади
Фақат режали иқтисодиёт учун хос бўлган асосий тамойил сифатидаги ёндашув	Марксча таълим	Тежамли хўжалик юритишга фақат социалистик жамиятда эришилади, капиталистик тизимга фақат исрофгарчиликнинг ҳослиги таъкидланади

Таҳлил қилиш асосида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки тежамкорлик ва иқтисод қилиш тўғрисидаги назарияларда турлича қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хосдир. Бу тушунчани илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилишда, аввало, ана шу қараш ва ёндашувларни тарихий изчилликда тизимга келтириб ўрганишга ҳаракат қиламиз (1.1.1-жадвал).

Тежамкорлик масалалари билан боғлиқ бўлган фикрлар турли қадимий манбалар, жумладан, диний таълимотларда кенг баён этилган. Масалан, зардўштийликнинг муқаддас китоби Авестода кўчманчи ҳаётни ўтроқ турмуш тарзига айлантириш зарурияти, унинг ижтимоий ва иқтисодий афзаллиги, сунъий суғориш асосида дехкончилик юритиш, тупроқ шароитини яхшилаш масалалари ёритилган бўлиб, моддий бойликларни кўпайтириш кишиларнинг асосий фаолияти сифатида улуғланади. Бу иқтисодий фаолият ва жараёнларда тежамкорликнинг ўрни муносиб баҳоланиб, унга моддий фаровонликнинг дастлабки шарт сифатида қаралади.

Тежамкорлик тушунчасининг айрим жиҳатлари жаҳон иқтисодий фани намояндalarининг бу хусусдаги қарашлари ва ёндашувларида ҳам назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Ҳозирги кунда кўплаб олимлар томонидан иқтисодий фан асосчиларидан деб тан олина бошлаган Шарқ мутафаккири Иби Холдун Абдурраҳмон Абу Зайд (1332-1405 йй.) ўзининг «Китоб-ул-ибар» номли асарида шундай дейди: «Харажатларнинг даромадларингдан ҳеч қачон ошиб кетмасин». Бу билан у ҳар қандай иқтисодий фаолият негизда тежамкорлик масалалари ётишига ишора қилади. Шунингдек, у ҳунармандчилик, фан ва санъатнинг ривожини бевосита меҳнат унумдорлигининг ўсиши, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланаётган вақт ва ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқ,⁹ деб кўрсатади. Иби Холдуни тежамкорликнинг мазмунини товар ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотга сарфланадиган меҳнатнинг қисқариши орқали тушунтириб беради. У товар қийматига хомашё, меҳнат воситалари, товар ишлаб чиқарувчилар меҳнатининг оралиқ қийматини киритади. Иби Холдун «оддий» ва «мураккаб» меҳнатни фарқлаб, меҳнат унумдорлигини ўстиришда ва, демакки, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланаётган вақтнинг тежалишида мураккаб меҳнатнинг аҳамиятини исботлаб беради.

Шунингдек, Иби Холдун ўзининг «Муқаддима» номли асарида табиий-географик муҳит (ер, сув, иқлим, тупроқ унумдорлиги, рельеф)ни ишлаб чиқаришда катта аҳамият касб этадиган омил сифатида баҳолайди, бироқ бош омил сифатида кишиларнинг меҳнат тақсмоти асосида уюштирилган иқтисодий фаолиятини кўрсатади. Унинг фикрича, одамларнинг бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиб ишлашига уларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш зарурати сабаб бўлади. Зеро, ўсиб боровчи эҳтиёжларни ажралган, яъни яқка ҳолда меҳнат қилиш билан қондириб бўлмайди.

Иби Холдун одамларнинг биргалашиб, меҳнат тақсмоти асосида ишлашлари юқори меҳнат унумдорлигига олиб келишини ва бундай ҳўжалик юритиш шакли қўшимча маҳсулот яратилишига моддий замин яратишини асослаб берди.¹⁰

Ибн Холдуннинг фикрларига уйғун равишда классик иқтисодчилар тежамкорликни, меҳнатни тежашни қийматнинг меҳнат назарияси орқали тушунтирадilar.

⁹ Ғуломов С.С. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: «Фан», 1997, 46-б.

¹⁰ Нўлдошев Қ ва бошқалар. Иқтисодий асослар. – Т.: «Шарқ», 2002, 13-б.

Масалан, А.Смит жамият аъзолари томонидан тежамкорликка амал қилиниши жараёларини қуйидаги мисол орқали ифодалайди (1.1.2-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, бозорда ўз меҳнат сарфлари натижаларини ўзаро айирбошлаш мақсадида темирчи ва дурадгор учрашади. Темирчи 1 та болтани 2, дурадгор эса 1 та стулни 6 соатда ясайди. Лекин агар дурадгорнинг ўзи болта ясамоқчи бўлса, унга бунинг учун 12 соат вақт сарфлаши мумкин, чунки у бу борада темирчи сиигари юкори меҳнат малакасига эга эмас.

1.1.2-жадвал.

Жамият аъзолари меҳнати натижаларини айирбошлаш орқали тежамкорликка эришиш (А.Смит томонидан қўлланилган мисол)

Меҳнат тақсимоти ишти-рокчилари	Темирчи	Дурадгор
Меҳнат маҳсули	Болта	Стул
1 та болтани ясаш учун меҳнат сарфи	2 соат	12 соат
1 та стулни ясаш учун меҳнат сарфи	36 соат	6 соат
1 та стул = 3 та болта иисба-тидаги айирбошлаш нати-жасида тежалган вақт	$36 - (3 \times 2) = 30$ соат	$(3 \times 12) - 6 = 18$ соат
Жамият томонидан тежал-ган умумий вақт	$30 + 18 = 48$ соат	

Бу вақт мобайнида у 2 та стул ясаши мумкин, яъни бу 6 та болтанинг кийматига тенг. Шунингдек, темирчининг ўзи ҳам стул ясамоқчи бўлса, бунинг учун унга 36 ишчи соати кетиши мумкин. Шу вақт мобайнида у 18 та болта ясаши мумкин, яъни 6 та стулнинг кийматига тенг.

Смитнинг таҳлилича, дурадгор темирчини 1 та стул учун 36 соат, темирчи эса дурадгорни 1 та болта учун 12 соат вақт сарфлаш мажбуриятдан озод қилади. Улар 1 та стулга 3 та болтани алмашганда, уларнинг ҳар бири ўз меҳнатидан тежайди, ҳар бири берган нарчасидан кўра кўпроқ олади, улар вақтни ва ўз кучларини тежайдилар. Энг муҳими эса, жамият томонидан 48 соатга тенг бўлган умумий меҳнат сарфи тежалади.

Смитга кўра, тежамкорликка инсоиларни кўпроқ ўз ҳолатларини яхшилаш хоҳиши ундайди. Тежамкорликка айирбошлаш ва меҳнат тақсимотининг ўзаро алоқадорлиги орқали эришиш мумкин. Меҳнат тақсимоти орқали миллий маҳсулотни яратишда одамлар ўртасида ҳамкорлик содир бўлади. Хунарманд деҳқоннинг ўзи учун кийим тикиш масъулиятини ўз зиммасига олиб, кишлок хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига билвосита таъсир қилади, деҳқон эса хунармандни ўзи учун дон экишдан озод қилиб, билвосита саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига ёрдам беради.

Умуман олганда, жамият меҳнат тақсимоти ва иктисодий ихтисослашув орқали қуйидагиларга эришади:

- 1) ишчилар маҳорати ошади;
- 2) бир меҳнат туридан иккинчисига ўтиш учун кетадиган вақт тежалади;

3) меҳнатни енгиллаштирадиган ва қисқартирадиган машиналар ихтиро қилинади;

4) меҳнат унумдорлиги кескин ошади.¹¹

Классиклардан яна бири Д.Рикарднинг қарашларида тежамкорликка таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Унинг фикрича, даврлар ўтиши билан машина-ускуналар такомиллашиб боради, агрономия ривожланади, бир сўз билан айтганда, техника ривожланиши ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалиги ва саноатда меҳнат сарфини камайтиради. Меҳнат сарфини тежашдаги ушбу муваффақиятлар ишчиларининг энг зарур эҳтиёжлари учун керак бўлган буюмлар нархларининг пасайишига олиб келади.

А.Смит тарафидан яратилган «Кўринмас қўл» қондасини Д.Рикардо бутун жаҳон савдосига нисбатан қўллаб, тўлиқ халқаро савдо тизимида ҳар бир мамлакат ўз маблағи ва меҳнاتини саноатнинг шундай соҳасига сарфлайдики, бу соҳа унга энг кўп фойда келтириши керак бўлади, ушбу фойданинг кетидан қувиш ҳар хил миллатлар ўртасида энг самарали ва энг тежамли меҳнат тақсимотига олиб келади, айнан мана шу тамойил вино Франция ва Португалияда ишлаб чиқарилиши, ун маҳсулотлари Америка ва Польшадаги чиқиши, ҳар хил турдаги металл буюмлар Англияда тайёрлаиши кераклигини белгилайди¹², деб кўрсатади.

Шундай қилиб, классик иқтисодчилар тежамкорлик тўғрисидаги қарашларини баёи этиб, халқаро меҳнат тақсимотининг бутун жаҳонда амал қилишини ёқлаб чиқарди. Уларнинг иқтисодий ихтисослашув тўғрисидаги назарияларининг асосида эса тежамкорлик, кам меҳнат сарфлаб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш ётади.

Демак, XIX асрдаёқ ихтисослаштиришни чуқурлаштириш албатта қўшимча маҳсулот бирлигини яратишга олиб келиши ва алмашув харажатларининг пасайиши билан бирга бориши исботлаб берилган. Шундай қилиб, Д.Рикардо назарияси халқаро савдодан олинадиган энг кўп ютуқ қисман ихтисослаштириш шароитида юз беради, яъни миллий иқтисодиётда ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришнинг объектив чегаралари мавжуд, деган хулоса чиқариш имконини беради.

Ташки савдонинг янгича тамойилларини яратган М.Портер мамлакатнинг халқаро рақобатга лаёқатлилигини бевосита тежамкорликка боғлайди. У тежамкорлик ва иқтисод қилишни қуйидаги турларга ажратади:

1. Фирма ичида статик технология микёсида тежаш.
2. Ишлаб чиқариш микёсида тежаш.
3. Фирма, тармоқ ёки макроиқтисодий даражадаги микёсда тежаш.¹³

Тежамкорликнинг биринчи тури маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириш, иккинчи тури ишлаб чиқаришнинг турдош соҳалари ўртасида ўзаро тўлдирувчанлик, фирма ва тармоқлар ўртасида технология ва ахборот ай-

¹¹ А.Смитнинг фикрлари қуйидаги манбадан олинди: Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. - М., 1996. - С.68.

¹² Қаранг: Костюк В.Н. История экономических учений. - М., 1998. - С.47.

¹³ Қаранг: Портер М. Международная конкуренция. - М.: Международные отношения. 1993. - С.49.

ирбошлаш самаралари билан боғлиқ. Бундай тежаш ишлаб чиқариш таркиби ва алоқалари билан ёки турли фирмаларнинг ҳамкорликдаги маркетинги туфайли ҳам юз бериши мумкин.

Ишлаб чиқариш миқёсида тежаш мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича давлат стратегияси зарурлигини асослашда энг муҳим омил ҳисобланади. Агар миллий фирма ишлаб чиқариш ўсишига боғлиқ тарзда инвестициялардан ўсиб бораётган самара олса ва ички бозорда хорижий рақобатдан ҳимояланган бўлса, бу фирманинг жаҳон бозорида ҳам экспортни кенгайтириш йўли билан каттароқ фойда олиш эҳтимоли кўпдир. Катта ҳажмли ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун ички бозорни жиддий ҳимоялаш эҳтиёжи туғилади. Агар ҳукумат ички бозорни тарифлар, квоталар ёрдамида ҳимоя қилса, миллий фирмалар ўз маҳсулотларини кўпайтиришлари мумкин. Бундай фирмаларнинг ўртача ишлаб чиқариш харажатлари пасаяди ва улар ташки бозорда маҳсулотларга пастроқ нарх белгилашлари мумкин. Шунинг учун миллий фирмаларни давлат томонидан ички бозорда ҳимоя қилиш уларга нафақат мамлакат ичкарисиди, балки хорижий бозорларда ҳам фойда келтиради.

Тежамкорликка доир биз таҳлил қилган қарашлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, мамлакатда ортиқча бўлган ресурслар сарфланадиган маҳсулот ҳам, товарнинг ҳаёт даври ҳам, миқёс самаралари ҳам — уларнинг барчаси ишлаб чиқариш харажатларига, улардан тежамли фойдаланишга бевоқиф алоқадордир. Шунинг учун дастлабки икки қараш (А.Смит ва Д.Рикардо) — энг универсал назария бўлиб, қолганлари эса уларни аниқлаштирувчи бўлиб хизмат қилади.

Бу назариялардан ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш жараёнида экспортга йўналтирилган иқтисодий шакллантиришда, экспорт стратегиясини белгилашда фойдаланиш мумкин. Масалан, Д.Рикардонинг товарларни бошқаларга нисбатан кўпроқ харажатлар билан ишлаб чиқараётган мамлакат экспорт соҳасидаги ихтисослашувни шундай товар ишлаб чиқаришдан бошлаши керакки, бунда кам харажат ва юқори меҳнат унумдорлигига эришиш мумкин бўлсин, бу мамлакатнинг импорти эса кўп харажат талаб қиладиган товарлардан бошланиши керак, деган фикрлари ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ишчи кучи ресурсларига бой мамлакат (капиталга нисбатан) четга кўпроқ меҳнат талаб қиладиган, кўпроқ капиталга эга бўлган мамлакат эса (ишчи кучи ресурсларига нисбатан), аксинча, ихтисослашувни кўп капитал талаб қиладиган товарлар ишлаб чиқаришдан бошлаши керак. Шунга қўра, ишчи кучи ресурсларига бой бўлган республикамиз шароитида кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ҳозирги ўтиш даврида самаралидир, деб ўйлаймиз. Лекин бу мамлакат ривожланишини бир томонлама характерга хос қилиб қўяди. Барқарор ривожланиш йўлига чиқиш учун, албатта, капитал, фонд сифими юқори бўлган ишлаб чиқаришларни ҳам ривожлантириш керак.

Мамлакатимизда яқин ўтмишда иқтисод қилиш ва тежамкорлик масалалари марксча назарияга асосланган эди. Шунинг учун ҳам ушбу назариянинг танқидий таҳлиliga тўхталиб ўтишликни жоиз деб ҳисобладик.

Марксча иқтисодий назария XIX асдаги капиталистик ишлаб чиқариш усулини таҳлил этиб, иқтисод қилиш ва тежамкорлик борасидаги ёндашувларни ҳам илгари суради.

Маълумки, капитализмнинг ривожланиши билан меҳнатнинг саноатдаги капиталистик кооперацияси ривожланди. Ҳақиқатан ҳам, оддий кооперациянинг мануфактура билан алмашиниши оқибатида ва ундан капиталистик фабрикага ўтиш билан бир вақтда ижтимоий меҳнатни тежаш жараёни ҳам юз берди. Бироқ марксча назария ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий капиталистик мулкчилик шароитида ижтимоий тараққиётнинг барча натижалари капиталистлар синфи томонидан ўзлаштирилади, деб кўрсатади. Унга кўра, капиталистик корхоналарда иқтисод ва тежамкорликнинг намоён бўлиш шартларидан бири капиталистик асосдаги меҳнат жараёнининг шундай хусусияти ҳисобланадики, у «ишчи капиталистнинг назорати остида ишлаши» билан боғлиқ бўлиб, ҳеч нарса капиталист учун беҳуда сарфланмаслиги кераклигини билдиради. Бироқ, бошқа томондан, марксчилар капиталистик ишлаб чиқариш усули ҳар бир алоҳида корхонада иқтисод қилишга мажбурлашига қарамай, унинг анархик рақобат тизими ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучининг мислсиз исроф қилинишини келтириб чиқаради, деб ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, ана шу рақобатнинг ўзи корхонани тежамкорликка ундашини эътибордан четда қолдирадилар.

Марксча назария ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик ижтимоий меҳнатнинг исроф қилинишини бартараф этишнинг ягона йўли бўлиб, ишлаб чиқаришнинг сунъий секинлашувини бартараф қилибгина қолмай, балки ишлаб чиқарувчи кучлар ва маҳсулотларнинг бевосита исроф қилиниши ва йўқотилишига ҳам барҳам беради, деб кўрсатади.

Маркснинг фикрига кўра, фақат ижтимоий мулкчилик асосида ташкил этилган ишлаб чиқаришдагина бутун ишчи жамоалари томонидан иқтисод қилиш мумкин бўлади. Шунингдек, у фақат комбинациялашган ишчи тажрибасигина қаерда ва қандай тежаш кераклигини, қилинган кашфиётлардан қандай фойдаланишни, назария талабларини кузатиб, қандай амалий қийинчиликларни бартараф қилиш кераклигини аниқлаб беради, деб тушунтиради.

Шундай қилиб, маъмурий тизим давридаги иқтисодий адабиётларда марксча назариянинг тежамкорлик борасидаги фикрларидан режални иқтисодиёт тизимининг самарадорлигини асослашда фойдаланилганлигини кўришимиз мумкин.

Лекин собиқ социалистик тузумнинг негизини ташкил этган режали иқтисодиёт ишчини тежамкорликка ундайдиган моддий ва маънавий манфаатларни яратиб бера олмади, аксинча, бу тизимнинг ўзи ижтимоий мулкчилик орқали мулкка ҳужасизларча муносабатни рағбатлантирди.

Марксча назария тежамкорлик масаласига сиифий нуқтан назардан ёндашади ва хусусий мулкчиликни тежамкорликни таъминлаш имконини бермайдиган асосий тўсиқ сифатида инкор этади. Лекин, бизнинг фикримизча, ушбу назария К.Маркс ўрганган илк соф капитализм даври учун маълум маънода тўғри бўлган, яъни ёлланма ишчилар оғир меҳнат шароитларида эксплуатация қилинган даврларда меҳнатдан манфаатдорлик асосида ишчининг меҳнатга те-

жамли муносабати рағбатлантирилмаган. Шунинг учун ҳам бу тизимга нисбатан нафрат билан карашга, фақат ишчи кучи манфаати нуктаи назаридан, бир томонлама ёндашишга олиб келган. Ҳатто, дастлабки капитал жамғарилишида тадбиркорнинг капиталга тежамли муносабатда бўлганлиги омили ҳам тан олинмаган ва капиталистнинг қўшимча қийматни шахсий эҳтиёжлари ва зёбийнатлар учун сарфлаши танқид қилинган.

Бу назариянинг асосий хатоси, бизнингча, шундаки, улар бозор иқтисодиёти автоматик суръатда тежамкорлик ва иқтисод қилишни заруратга айлантириши ҳамда такозо этишиини кўра билмадилар. Ҳозир ривожланган мамлакатларда К.Маркс давридаги соф капитализмдан тубдан фарқ қиладиган аралаш иқтисодий тизим вужудга келди. Бизнингча, тежамкорлик хусусидаги турли иқтисодий назариялар ютуқларини қўлагани туфайли ҳам ривожланган мамлакатлар иқтисодиётнинг ҳозирги тараққиёт даражасига эришдилар.

Демак, юқоридаги назарияларда кўриб чиққанимиздек, бозорнинг ўзи иқтисодий қонуилар орқали субъектларни тежамли ҳўжалик юритишга ундайди, режали иқтисодиётдаги сингари уни тарғибот ва ташвиқот қилишнинг хожати бўлмайди.

Режалн иқтисодиёт даврида олиб борилган тадқиқотлар ҳам марксча назария асосида бўлиб, тежамли ҳўжалик юритишга фақат социалистик жамиятда эришилади, капиталистик тузумга исрофгарчилик хос деб, бунга далилу исбот излашдан иборат бўлган. Улар ривожланган мамлакатларнинг фаи-техника соҳасида анчагина илгарилаб кетганини, бунга туртки берган иқтисодий омилни тан олишни истамадилар. Улар тосоциалистик ишлаб чиқариш усулларида иқтисод ва тежамкорлик мустаҳкам ўрнатилган жараён кўринишида эмас, балки тасодифий ҳодисалар кўринишида чиқади, деб ҳисобладилар.

Ўз навбатида, марксча назария ғояларига ҳам танкидий ёндашувлар пайдо бўлди. Бундай карашларни Австрия мактабининг етакчи вакили неолибералист Людвиг фон Мизес назариясида кўриш мумкин. У ўзининг «Социализм» деб номланувчи китобида режали иқтисодиётда марказдан белгиланувчи нархлар иқтисодий мувозанатга эришишга тўсқинлик қилади, деб таъкидлайди. «Агар нарх талаб ва таклифни тенглаштирмаса, у ҳолда уйдан ишлаб чиқариш омилларининг самарали бирикишини танлашда фойдаланиш мумкин эмас. Эркин ўзгарувчи нархлар билан бошқарилмайдиган марказлашган иқтисодиёт амалдорларнинг ихтиёрлари билан бошқарилади. Ҳаттоки, улар ўта ростгўй ва одил бўлсалар ҳам, ўзларида самарали режалаштириш қобилияти етишмайди. Режалн давлат иқтисодиёти тизимлари — бу «режалаштирилувчи хаос»дир. Социалистик жамият ресурслардан тежамли фойдаланишга ҳеч қачон эриша олмайди, чунки у ҳақиқий нарх тизимларига эга эмас»¹⁴, деб таъкидлайди.

Тўғри, социалистик жамиятда ҳам тежамкорлик ҳўжалик юритишнинг асосий тамойилларидан ҳисобланган. Яққол мисол тарикасида собиқ Иттифокдаги ҳолатни кўришимиз мумкин. Ишлаб чиқариш ресурсларидан тежамли ва унумли фойдаланиш мақсадида социалистик мусобакалар уюштирилди. Мутахассисларнинг ижодий режалари, тежамкорлик бўйича шахсий варақалар, самара-

¹⁴ Қаранг Костюк В.Н. История экономических учений. - М.: Центр, 1998. 213-б.

1328

дорлик бўйича умумий кўриқлар, хом ашё, материал ва иссиқлик-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича бутуниттифок кўриқлари социалистик мусобақага тизимли ва мақсадга йўналтирилганлик хусусиятини беради, деб ҳисобланди. Тежамкорлик тартибини ўрнатиш учун меҳнаткашларни сафарбар этишнинг муҳим шакли сифатида ишчилар йиғилиши, мунтазам амал қилувчи ишлаб чиқариш мажлислари, иқтисодий таҳлил гуруҳлари, ишчи ва мутахассисларнинг ижодий бирлашмалари, халқ назоратиға ҳамкорлик қилувчи постлар ва гуруҳлар юритилди.

Лекин буларнинг барчаси расмий жиҳатдан тасдиқланган эди, холос. Амалда эса бу сиёсат айнан ресурсларнинг исрофгарчилигига, сон кетидан қувиш, социалистик мусобақада мағлуб бўлмаслик учун сифатсиз маҳсулотларнинг кўпайишига, маҳсулот бирлигига сарфланган харажатлар миқдорининг нисбатан кўпроқ бўлишига олиб келди. Охир-оқибатда эса деярли барча собиқ режали иқтисодиётга асосланган давлатларнинг иқтисодиётини издан чиқариб юборди.

Бизнингча, бу ғояларни амалга оширишга плдиз отган маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ўзи, у яратган ҳаракат механизмлари катта тўсиқ ва ғов бўлиб, амалда исрофгарчилик, хўжасизлик, талон-тарож ривож топди, «давлат мулки» тушунчаси остида «ҳеч кимники» деган муносабат шаклланди.

Хуллас, юқорида келтирилган иқтисод ва тежамкорлик тўғрисидаги қарашларни умумлаштириб, шуни айтиш мумкинки, инсониятнинг пайдо бўлиши ва иқтисодий фаолиятнинг такомиллашиб бориши билан тежамкорлик муаммоси ҳам вужудга келиб, бу муаммо барча иқтисодий тизимларда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Фан-техника тараққиёти натижасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиб бориши эса инсоният олдиға тежамкорликни таъминловчи хўжалик юритиш шаклларини излаб топиш вазифасини қўйган. Кўриб чиқилган барча назариялар учуи умумий хусусият шундаки, уларнинг барчаси тежамкорликни самарали хўжалик юрнтиш омили сифатида эътироф этадилар ҳамда у ёки бу даражада унга эришиш йўлларни кўрсатиб берадилар. Шуни таъкидлаш лозимки, ана шу назариялар асосида тежамкорликнинг иқтисодий мазмунини, иқтисодиётдаги аҳамияти ва омилиларини ўрганиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

1.2. Тежамкорликнинг иқтисодий мазмуни, зарурлиги ва омилилари

Маълумки, собиқ режали иқтисодиёт даврида хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали хўжалик фаолиятини таъминлайдиган муҳим омил сифатида вақтни тежаш қонуниға кўпроқ эътибор қаратилди, қатор илмий тадқиқотлар ҳам шу масалаға бағишланди.

Лекин ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда вақтни тежаш қонуни билан бир қаторда «тежамкорлик қонуни» каби ибора ҳам ишлатилмоқда. Ушбу қонунлар борасида турлича қарашлар мавжуд. Айрим иқтисодчилар вақтни тежаш қонунига устуворлик берсалар, бошқалари тежамкорлик қонунининг долзарблигини таъкидлайдилар.

Бизнингча, бу ҳар икки тушунча мазмун-моҳиятн жиҳатидан бир-биридан фаркланади ва айнан бир нарса эмас. Яъни тежамкорлик қонуни мазмунан вақтни тежаш қонунидан кенгрок ҳисобланади. Вақтни тежаш қонуни фақат меҳнат жараёнига тегишли бўлиб, инсон иқтисодий фаолияти давомида мазкур қонунга амал қилиши талаб этилади. Меҳнат сарфлари иш вақти сарфлари бирлигида ифодаланади, шундай экан, меҳнатни тежаш иш вақтини тежаш демакдир.

Тежамкорлик қонуни эса меҳнат жараёнидан кенгрок доирани қамраб олади ва инсон меҳнати сингмаган, ҳали инсон қўли етмаган табиий бойликлар, иқтисодий ресурсларни тежаш, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Вақтни тежаш қонуни иқтисодиёт назариясида атрофлича ўрганилган бўлса, тежамкорлик қонунининг мавжудлигини барча иқтисодчилар ҳам тан олавермайдилар. Шунга қўра, бу борада илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмаган. Биз ушбу диссертацион тадқиқотимизда тежамкорлик қонунини иқтисодий қонун сифатида эътироф этиш ва уни чуқуррок ўрганиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодиёти учун ишлаб чиқаришнинг кенг қўламли ва барча соҳаларида ишчи кучи, моддий ва пул ресурсларининг ҳар томонлама тежамкорлиги хос бўлиб, у самарадорликни ўстиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Нархларнинг эркинлаштирилиши ҳамда аёвсиз рақобат курашининг кучайиши шароитида тежамкорликнинг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш омили сифатидаги аҳамияти мислсиз кучаймоқда. Тежамкорликнинг аҳамиятини тўла тасаввур қилиш учун бу тушунчанинг мазмун ва моҳиятини ёритиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Тежамкорлик инсон фаолиятининг барча жабҳаларида, асосан, бевосита меҳнат жараёнида, унинг меҳнат буюмларига таъсирида ҳамда бу жараёнда иқтисодий ресурсларни сарфлаш ва фойдаланишда намоён бўлади. Тежамкорлик айниқса меҳнат жараёнида кўпроқ юз беради, бунда жонли меҳнат сарфини қисқартириш кўзда тутилади. Маълумки, сарфланган меҳнат миқдори иш вақти билан ўлчанади ва шу сабабга қўра жонли меҳнат сарфини қисқартириш иш вақтини тежаш шаклига эга бўлади. Иш вақтини тежаш яратиладиган моддий ёки маънавий неъматлар, истеъмол қийматлари бир бирлигидаги жонли меҳнат салмоғини қисқартиришда ва иш вақти йўқотишларини камайтиришда ўз ифодасини топади. Шунингдек, тежамкорлик ёрдамида йўқотишларга, меҳнат воситаларининг қисман ёки тўлиқ емирилишига олиб келувчи турли сабаб ёки ҳолатларни бартараф қилиш йўли билан уларда буюмлашган меҳнатни тежаш мумкин. Шундай қилиб, тежамкорлик натижасида бир вақтининг ўзида ҳам жонли, ҳам буюмлашган меҳнатни ўзида мужассамлаштирадиган бутун ижтимоий меҳнат сарфи тежалани. Тежамкорлик вақтни тежаш объектив иқтисодий қонунининг намоён бўлиш шаклидир. Чунки вақтни тежаш қонуни умумиқтисодий қонунлар тизимида кирса, тежамкорлик ҳам барча иқтисодий тизимларда намоён бўлади.

Иқтисодиётда меҳнат сарфини тежаш – бу вақтни тежашдир. Тежамкорликнинг вақтни тежашда ифодаланган унинг барча шаклларидаги ички алоқалари инсоният тараққиёти асосида ётади, чунки алоҳида индивид учун ҳам, жамият учун ҳам унинг ривожланишининг, истеъмоли ва фаолиятининг ҳар томонламалиги вақтнинг жамғарилишига боғлиқ бўлади. Шу билан бир каторда, жамият бугдой, гушт ва ҳоказоларни ишлаб чиқаришга қанчалик кам вақт сарфласа, бошқа неъматларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ёки маънавий оламини, маданиятни ривожлантиришга буш вақт имкониятлари шунчалик кўпроқ очилади.

Вақтни тежаш, демакки, меҳнатни ҳам тежашнинг асосий омил ва манбалари товар ишлаб чиқариш соҳасидадир. Тежамкорликка эришишни таъминловчи омиллар меҳнат унумдорлигининг ўсишида ўз ифодасини топади. у вақтни тежашнинг асосий унсури ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлиги меҳнатнинг тежалишини таъминлайди, чунки у ўсган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнат миқдорининг пасайиши кузатилади ёки аксинча, бир бирлик меҳнат харажатларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишини ўзида мужассамлаштиради. Бунда жонли ёки буюмлашган ёхуд жами меҳнатнинг тежалиши юз беради. Ҳозирги замон ишлаб чиқарувчи кучларининг амал қилиш жараёни учун жонли ва буюмлашган меҳнат нисбатидаги ўзгаришлар билан боровчи меҳнат унумдорлигининг ўсиши хосдир. Бунда жонли меҳнат салмоғи камаёди, буюмлашган меҳнат салмоғи нисбатан ўсади, бир бирлик маҳсулотда мужассамлашган меҳнатнинг умумий миқдори эса камаёди. Жонли меҳнатнинг кўпроқ унумли меҳнатга айланишининг бундай қонуниятини ишчи томонидан меҳнат қуроллари, хом ашё, энергия, материалларнинг катта миқдорда қўлланиши натижасида амал қилади.

Жонли меҳнат сарфларининг улар томонидан ҳаракатга келтириладиган буюмлашган меҳнатга нисбатан камайиши ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва меҳнат сарфини тежашда шахсий омил ролининг камайишини билдирмайди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиб бориши билан, айниқса, ФТТ ютуқлари асосида бунинг акси кузатилмоқда. Жонли меҳнат техник қуролланишининг ўсиши ҳозирги шароитда оғир ишларни машина ва ускуналар зиммасига юклаш жараёни билан бориб, бу инсоннинг техника билан узвий боғлиқлигини янада кучайтиради. Оғир жисмоний ишлардан бўшаган инсон сифат жиҳатдан бошқа ҳолатда бўлади: у ижодий жараёнларга кучларни тўплаш, ихтирочиликка нафакат техника, технология соҳасида, балки ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти бошқа йўналишларида ҳам меҳнатни ташкил қилишга эътибор қаратиш имкониятига эга бўлади. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришни такомиллаштира оладиган, меҳнат унумдорлигининг жадал ўсишига шароит ярата оладиган ақлий меҳнат ишчиларининг ишлаб чиқаришдаги салмоғи ўсишига ёрдам беради. Мос равишда товар ишлаб чиқариш соҳасида ишловчилар умумий сонининг қисқариши учун қулай шароит яратилади, бу эса ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига, ишлаб чиқариш шахсий омилини такомиллаштириш ва меҳнат унумдорлигининг ўсишига ҳамда меҳнат тежамкорлигига эришишда муҳимдир.

Маъмурий-буйруқбозликка асосланган хўжалик тизимига оид адабиётларда (масалан, В.Ф.Андрienко, В.К.Врублевский, М.И.Долишний) тежамкорлик масаласига ресурсларнинг чекланганлиги нуқтаи назаридан ёндашилмай, фақат тежамкорлик тарғиб қилинган, холос. Тежамкорликнинг иктисодий механизми, унинг амал қилиши қонуниятлари ва зарурлиги тўғрисида фикрлар баён этилмаган.¹⁵

Бизнингча, маъмурий-буйруқбозликка асосланган режали иктисодиётни ҳалокатга учрашининг асосий сабаби ҳам тежамкорлик тизимининг ишламаганлигидадир. Шу билан бир вақтда, ривожланган мамлакатларда бозор иктисодиётининг ўзи тежамкорлик тизимини ҳаракатга келтирди. Унинг мислсиз муваффақиятлар келтирганини бу мамлакатлар ижтимоий-иктисодий тараққиёти даражасидан ҳам кўриш мумкин. Шундан келиб чиқиб, тежамкорлик тушунчасини чексиз эҳтиёжларни энг кам ресурслар сарфлаб юқори даражада қондириш нуқтаи назаридан ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Ҳар қандай иктисодиётнинг асосини икки ҳолат ташкил этади: биринчиси жамият эҳтиёжлари бўлиб, улар чексиз даражада намоён бўлади. Иккинчиси эса – иктисодий ресурслар: яъни товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган воситалар бўлиб, улар чекланган ёки тақчилдир. Мана шу чекланган иктисодий ресурслардан оқилона фойдаланиб, аҳолининг тўхтовсиз ўсиб борувчи эҳтиёжларини қондириш мақсадига эришиш, ресурслар ва маҳсулотларни тўғри тақсимлаш йўлларини топиш иктисодиётнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Тежамкорлик тушунчасининг моҳиятини очиқ бериш учун юқорида айтиб ўтилган икки муаммони чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Эҳтиёжлар деганда биз кишиларнинг яшаши ва камол топиши, умуман инсониятнинг ривожланиши учун керак бўлган ҳаётний воситаларга бўлган заруратини тушунамиз. Ўз моҳиятидан кўриниб турибдики, эҳтиёжлар қондириб бўлмайдиган даражада ёки чексиздир. Бунинг устига, биз оддий эҳтиёжимизни қондириш билан кифояланиб қолмаймиз, яна ҳам яхшироқ товарларга эҳтиёж сезаверамиз. Вақт ўтishi билан янги буюмларнинг пайдо бўлиши, дилтортар рекламанинг таъсири ва савдонинг рағбатлантирилиши натижасида эҳтиёжлар янада кўпаяверади. Бу эҳтиёжларнинг тўхтовсиз ўсиб бориши иктисодий қонунида ўз ифодасини топади. Бундай қонун нафақат эҳтиёжларнинг миқдоран ўсиб боришини, балки уларнинг таркибан янгиланиб туришини ҳам билдиради.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай иктисодий фаолиятнинг негизи ушбу кўп қиррали эҳтиёжларни қондиришдан иборат. Эҳтиёжларнинг чексиз равишда ўсиб боргани ҳолда уни таъминлаш учун керак бўладиган иктисодий ресурслар чекланган бўлади.

Иктисодий ресурслар деганда жамият, мамлакат, айрим корхона ва фирма, оила ихтиёрида тўпланган, айтилиб ўтилган вақтда мавжуд бўлган ҳамда товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, уларни истеъмолчига етказиб беришда ва истеъмол жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган иктисодий имкониятлар, захиралар.

¹⁵ Қаралсин: Экономия труда - Под ред. В.Ф.Андрienко. - К. Наукова думка, 1984 - 343 с.

манбалар тушунилади.¹⁶ Буларнинг барчаси объектларнинг кенг доирасини камраб олади: ҳар хил жихозлар, асбоблар, машиналар, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган саноат товарлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари; транспорт ва алоқанинг турли воситалари; ва нихоят, энг муҳими – ер ва фойдали қазилмалар. Ушбу ресурсларни қуйидагича туркумлаш мумкин: 1) моддий ресурслар – ер, табиий бойликлар ёки хом ашё материаллари ва капитал; 2) инсон ресурслари – ишчи кучи ва тадбиркорлик қобилияти.

Ресурсларнинг чекланганлиги фақатгина истеъмолни эмас, шу билан бирга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ҳам чеклаб қўяди. Бунинг натижасида ҳар бир корхона, ҳаттоки, мамлакат ўз имкониятларини ҳисобга олиб, товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма турини бирданига эмас, балки унинг шу давр учун энг керакли бўлган турларини танлаб, кенгайтириш ва ривожлантиришга эътибор беради, ресурсларни биринчи навбатда уларга жалб қилади.

Қўриб ўтилаётган барча иқтисодий ресурслар битта умумий ўзак хусусиятга эга: улар жуда тақчил ёки чекланган миқдорда мавжуд, холос. Ҳайдаладиган ерлар, фойдали қазилмалар, капитал жихозлар ва ишчи кучи – буларнинг барчаси миқдор жиҳатидан маълум бир чегарага эга. Ишлаб чиқариш ресурсларининг камлиги ва унинг ишлаб чиқариш фаолияти олдига чегара қўйиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ҳам чегаралангандир. Жамият ўзи хоҳлагандек, товар ва хизматларнинг бутун ҳажмини ишлаб чиқара ёки истеъмол қила олмайди.

Иқтисодиёт эса мавжуд чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларини ўрганади. Эҳтиёжлар амалда чексиз, ресурслар эса жуда кам экан, жамиятнинг барча моддий талаблари ҳеч қачон тўлиқ қондирилмайди.


Шундай қилиб, ресурсларнинг чекланганлиги эҳтиёжни қондиришнинг муҳим йўли бўлган ишлаб чиқариш имкониятларини ҳам чеклаб қўяди. Бу имкониятлар даражаси доимо бир хил бўлиб турмайди, балки янги техника ва технологияларнинг яратилиши ҳамда ишга жорий қилиниши ишлаб чиқариш имкониятларини, унинг чегараларини кенгайтириш имконини беради. Улар, бир томондан, меҳнат унумдорлигини, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, энергия, ёнилғи, меҳнат ва бошқа моддий ресурсларни тежаш имконини берса, иккинчи томондан, янги материал, хом ашё ва бошқа ресурслар манбаларини топиб, ҳаётга жалб этишга замин яратади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, ресурслар ва эҳтиёжлар ўртасидаги доимий ва мустақкам алоқадорликни қуйидагича ифодалаш мумкин (1.2.1-расм).

Чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш имкониятларини, бинобарин, эҳтиёжларни қондиришнинг даражасини ошириш зарурлиги иқтисодиёт олдига қуйидаги муаммоларни қўяди:

¹⁶ Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Ҳ., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Молия, 2002. – 13, 16-б.

Иқтисодий ресурслар ва эҳтиёжларнинг кондирилиш даражаси ўртасидаги боғлиқлик¹⁷



1.2.1-расм.

1. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг энг мақбул вариантларини танлаб олиш ва ресурсларни кўпроқ ишлаб чиқаришга жалб қилиш.

2. Мавжуд ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан тежаб-тергаб, самарали фойдаланиш.

3. ФТТ ютуқларини ва янги технологияларни жорий қилиб, иккиламчи ресурслар ва чиқиндилардан фойдаланишни йўлга қўйиш, янги энергия, материал, хом ашё турлари, уларнинг манбаларини топиб, фойдаланишга жалб қилиш, ресурслар унумдорлигининг ошишига эришиш.

Ресурслар тақчиллиги шароитида эҳтиёжларни кондирилишнинг оқилона даражаси танлаб олинганда, кам ресурс сарфлаб, кўпроқ эҳтиёж кондирилади. Бу қоидага кўра, маҳсулот бирлигини яратиш учун кетган ресурс сарфи қисқариши шарт, акс ҳолда эҳтиёж тўлароқ кондирилмайди. Масалан, донга бўлган эҳтиёжни тўлароқ кондиритиш учун дон ҳосилдорлигини муттасил ошириб борган ҳолда ҳар бир тонна дон олиш учун кетган ресурс сарфини қисқартириб бориш талаб қилинади.

Хуллас, ресурслардан тежамли фойдаланиш иқтисодиётни ривожланишнинг интенсив йўлига ўтказишда муҳим ўрн эгаллайди. Шунинг учун тежамкорлик тушунчасини бозор иқтисодиётининг асосий категорияларидан бири сифатида очиб бериш жуда муҳимдир.

Ресурслар тежамкорлиги – нисбатан янги тушунча. Илгари иқтисодиёт назариясида ва ҳўжалик амалиётида кўпинча «ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш» каби тушунчалар ишлатилган. Маъно жиҳатидан бу тушунчалар бир-бирларига жуда яқин бўлишига карамай, улар ўртасида аҳамиятли тафовут мавжуд. Бу тафовутларни очиб бериш учун ҳар бир тушунчанинг қисқача моҳиятини кўриб чиқамиз.

Оқилона фойдаланиш ҳар бир ресурснинг истеъмол хоссалари (табiiй, кимёвий, физик ва бошқалар)дан мақсадга мувофиқ, тўғри фойдаланишни аниқлатади. Бу тушунча ресурслардан муқобил фойдаланиш мумкинлиги натижасида келиб чиқади. Яъни, бирон-бир муайян маҳсулотни яратишда турли кўриниш, сифат ёки миқдордаги ресурслардан фойдаланиш мумкин. Масалан, битта юқори малакали ишчи кучи ёки бир неча паст малакали ишчи кучининг қўлланиши; маълум миқдордаги юқорироқ сифатли пўлат ёки нисбатан кўпроқ миқдорда сифати пастроқ пўлатнинг ишлатилиши ва ҳ.к.

Муайян эҳтиёжнинг кондирилиши айни пайтда ресурсларнинг ҳам миқдор ва сифат, истеъмол хоссаси жиҳатидан аниқ кўрсаткичларини тақозо этади.

¹⁷ Shodimov Sh Sh., G'afurov U' V' Iqtisodiyot nazariyasi (darslik) - I., «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2005, 20-b.

Мисол учун, электроника соҳасидаги ресурслар билан оғир машинасозлик соҳасида фойдаланилувчи ресурслар мазкур кўрсаткичлари жиҳатидан фаркланади.

Бирок, реал ҳаётда ҳар бир ресурсларнинг тўлиқ даражада ўз мақсадга мувофиқ йўналиши бўйича ишлатилишига эришиш жуда мушкул вазифа ҳисобланади. Айниқса, эркин бозор, рақобат ва нарх механизмларининг самарали амал қилмаслиги, ресурслар тўғрисидаги ахборотнинг етарли бўлмаслиги кўп ҳолларда ресурслардан ноўрин, ноқилона фойдаланиш ҳолатларини келтириб чиқаради.

Таъкидлаш лозимки, оқилона фойдаланиш доимо ҳам самарали ва тежамли фойдаланишни англатмаслиги, яъни ресурслардан оқилона фойдаланиш шароитида олинган иқтисодий натижалар қолган шароитлардаги иқтисодий натижалардан фарқланиши ҳам мумкин. Бу эса, мазкур шароитда асосий эътибор уларнинг фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигига қаратилиши билан изоҳланади.

Ресурслардан самарали фойдаланиш, ўз мазмунига кўра, юқори иқтисодий натижани қўлга киритишга йўналтирилган ҳолда фойдаланишни англатади. Бунда, гарчи иқтисодий натижага оқилоналик ва тежамкорликнинг таъсири катта бўлсада, юқори самара диққат марказда бўлади. Бунинг учун эса имкон қадар сарфланган ресурс бирлигига кўпроқ маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш ҳажмига эришишга ҳаракат қилинади.

Тежамли фойдаланиш мазмунан ресурсларнинг исрофгарчиликка йўл қўймай, маълум меъёрларга мувофиқ ҳолда ишлатилишини англатади. Ресурслардан тежамли фойдаланиш, одатда, оқилона ва самарали фойдаланишдан фарқли ўларок, бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан чекланмай, балки бутун такрор ишлаб чиқариш босқичларини қамраб олади.

Умуман олганда, ресурсларни тежаш маҳсулот бирлигига кетаётган харажатларнинг пасайиши, ресурслардан фойдаланиш даражасининг ижобий томонга ўсиши сифатида аниқланади. Бундан ташқари, «ресурсларни тежаш» тушунчаси уларнинг самарали истеъмоли натижасида олинган фойда, натижани ҳам тақозо этади.

Шунингдек, биз «ресурслардан тежамли фойдаланиш» тушунчасини улардан «самарали фойдаланиш» тушунчаси билан синоним сифатида ишлатиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Баъзи муаллифлар, масалан, А.М.Горшков, А.З.Татиевский бу икки тушунчага бир хил муносабатда бўлишган.

Шуниинг учун, бу иккала тушунча ўртасидаги тафовутни янада чуқурроқ кўриб чиқиш керак. Биз «ресурслардан самарали фойдаланиш» тушунчасини кенгрок мазмунга эга, деб ҳисоблаймиз. Материалларни ҳар қандай тежаш ҳам бир вақтнинг ўзида уларнинг самарали истеъмоли шартларига жавоб беравермайди (масалан, маҳсулот истеъмоли хусусиятларининг пасайиши ҳисобига тежамкорлик). Шу билан бирга, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурслар истеъмолини рационаллаштириш, албатта, жами меҳнат харажатларини тежашга олиб келади. Шунинг учун, «ресурслардан самарали фойдаланиш» тушунчасини қорхона фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ошириш ҳамда асосий ва

ёрдамчи материалларни тежаш мақсадида ишлаб чиқариш жараёни барча омилларнинг такомиллашувидир, деб таърифлаш мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, «ресурслардан самарали фойдаланиш» тушунчасига бир жараён сифатида қараш мумкин, у ушбу жараённи тавсифловчи натижани ҳам кўзда тутди. «Ресурслар тежамкорлиги» эса улардан самарали фойдаланишнинг бир омили ва воситасидир.

Фикримизча, ресурслар тежамкорлигига икки томонлама, яъни мутлақ ва нисбий тежамкорлик нуктаи-назаридан ёндашиш мумкин. Мутлақ тежамкорлик махсулотни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнида унинг таркибига кирувчи жонли ва буюмлашган меҳнат миқдорининг камайиши даражасини тавсифлайди. Бирок, бунда ишлаб чиқарилган махсулотнинг нафтлилик даражаси ва қиймати ўзгармайди. Нисбий тежамкорлик тушунчаси остида жонли ва буюмлашган меҳнат ҳаражатлари нисбатан барқарор бўлган шароитда ишлаб чиқариш фойдали натижалари, яъни қиймат ҳажмининг ўсишини таъминлаш жараёнини тушуниш зарур. Шунинг учун ресурслар тежамкорлиги муаммосининг ҳал қилиниши иқтисодиётнинг самарали ривожланиши учун жуда муҳимдир.

Тежамкорлик даражасини баҳолаш нисбий тарзда амалга оширилади. Агар жамият ягона индивиддан иборат бўлса, унинг хатти-ҳаракатини тежамкорлик нуктаи-назаридан баҳолаш мумкин бўлмас эди. Шунга кўра, тежамкорлик – жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муайян даражасида барча ресурслардан тежамли фойдаланиш бўйича иқтисодий муносабат бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг асосий омил ҳисобланади.

Мазкур тадқиқот мавзуси юзасидан нзланишлар шунинг кўрсатадики, аксарият иқтисодий адабнётларда ресурслардан самарали фойдаланиш масаласига устун равишда эътибор қаратилиб, тежамли фойдаланиш масалалари нисбатан камроқ тадқиқ этилган. Бирок, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги лалласига келиб тежамкорлик масаласи тадқиқига алоҳида эътибор қаратиш заруратга айланди.

Таъкидлаш лозимки, тежамкорлик жуда кенг қамровли, серқирра тушунича бўлиб, унинг моҳиятини очиб беришда қуйидаги турли даражалар бўйича ёндашиш мумкин:

- 1) алоҳида индивид, шахс тежамкорлиги;
- 2) хўжалик юритувчи бирлик (корхона (фирма) ва уларнинг турли бирлашмлари, тармоқ ва бошқалар) даражасидаги тежамкорлик;
- 3) жамият (миллий иқтисодиёт) даражасидаги тежамкорлик.

Мазкур даражалардаги тежамкорлик ўзининг боисий сабаби (мотивация), манбаи ва таъсир этувчи омиллари жиҳатидан ўзаро фарқланади.

Тежамкорликка алоҳида олинган шахс даражасида ёндашилганда одатда инсоннинг хатти-ҳаракатидаги сифат белгиларидан бири тушунилади. Бу ўринда тежамкорлик ижтимоий, рухий, маданий, диний, ахлоқий омилларнинг мажмуи сифатида намоён бўлади. Инсондаги тежамкорлик ҳислатининг шаклланиши ҳам объектив, ҳам субъектив жиҳатга эга бўлади. Унинг объективлиги шундаки, инсонда табиатан маълум даражада тежамкорликка мойиллик мавжуд бўлади. Бирок, бу мойилликни янада кучайтириш, унинг инсон яшаётган

мухитдаги турли таъсирлар натижасида ўзгариши тежамкорликнинг субъектив жихати кучлироқ эканлигидан дарак беради. Ҳали ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти тўғрисида сўз бормаган, кишилар ўз меҳнат фаолиятини у қадар онгли даражада шакллантирмаган бир вақтда ҳам улар ўзларининг тежамкорлиги жихатидан фарқланар эдилар. Шунингдек, бу хислатни максадга мувофиқ шакллантириш, ривожлантириш ва кучайтириш мумкин.

Ҳўжалик юритувчи бирлик (фирма ва унинг турли бирлашмалари, тармок ва ҳ.к.) даражасидаги тежамкорлик инсондаги тежамкорлик хиссининг ўзаро ҳамкорликдаги иқтисодий фаолиятларда намоён бўлиш шаклидир. Бу даражаларда тежамкорлик ўзига хос омил сифатида амал қилиши учун мазкур ҳўжалик бирлиги таркибидаги индивидлар манфаатларининг муштараклиги таъминланиши зарур.

Миллий иқтисодиёт ёки жамият даражасидаги тежамкорлик мамлакатдаги алоҳида индивидлар, ҳўжалик бирликлари ва уларнинг турли бирлашмаларидаги тежамкорликнинг умумий йиғиндиси сифатида майдонга тушади. Жамият даражасидаги тежамкорлик ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади.

Иқтисодий самарадорлик ҳам «харажатлар – ишлаб чиқариш» муаммосини ўз ичига олади. Аннқроқ айтганда, иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган тақчил ресурс бирликлари йиғиндиси ва истеъмол товарлари йиғиндиси ўртасидаги алокани тавсифлайди. Сарфланган харажатлар ҳажмидан олинган маҳсулотнинг ортиқлиги самарадорликнинг ўсишини англайди.

Иқтисодий салоҳиятнинг иқтисодиётда фойдаланилиши билан кенгайиб бориши доирасида ресурслар жамғарилишининг мавжуд суръатлари хали етарли даражада самарали эмас ва бу хусусий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ҳам тўсқинлик қилади. Бир томондан, иқтисодий салоҳиятни оширишга катта ресурслар сарфланади, ҳозирги пайтда бу борада ривожланган мамлакатлар биздан анча илгарилаб кетган. Бошқа томондан, иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг натижавийлиги хали унча катта эмас. Энг яхши жаҳон кўрсаткичлари билан таққослаганда, миллий даромад бир бирлигига бизда нисбатан кўп хом ашё ва энергия сарфланади. Собик Иттифок давридан қолган кўллаб машина ва ускуналар юқори материал сиғимга эга, қатор буюмларни ишлаб чиқаришга материаллар жами харажатлари юқори. Барча жойларда ҳам ресурсларни тежовчи технологик жараёнлардан фойдаланилмаяпти. Ишлаб чиқариш ва саклаш жараёнида металл, ёқилғи, ёғоч, цемент, минерал ўғитлар, кишлоқ ҳўжалиги ва бошқа маҳсулотларининг катта йўқотишларига йўл қўйилмоқда. Транспорт харажатлари ва таннархи ҳам ортмоқда. Бундай шароитларда ижтимоий эҳтиёжларни ресурслар билан таъминлашда экстенсив омилларнинг устунлиги тенденцияси сақланиб қолмоқда.

Ресурслар тежамкорлиги муаммосининг муҳимлигини ҳисобга олиб, миллий даромадининг материал сиғими, металл сиғими ва энергия сиғимининг пайсиши суръатларини ўстириш зарур. Бунга эришиш иқтисодиётнинг ёқилғи, энергия, хом ашё ва материалларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш манбаи ҳисобланади.

Иктисодиётда ушбу муаммонинг ечимига катта аҳамият бериб, моддий ресурслар самарадорлиги ва тежамкорликни ўстириш бўйича ишларни илмий асосда олиб бориб, ресурслар тежамкорлигининг илмий асослашган стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Ресурслар тежамкорлигини ижтимоий эҳтиёжлар моддий-техника таъминотининг ҳал қилувчи омилига айлантиришга қаратилган концептуал қондаларни ишлаб чиқиш ўта муҳимдир. Шу тарика инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти асосига ҳўжалик юритишининг оқилоналик, тежамлилик, самаралилик сингари тамойиллари қўйилиши керак.

Мазкур муаммонинг ечимини ўрганишда уларни уч гуруҳга ажратиш лозим:

1) микродаражада, яъни алоҳида ҳўжалик бўғинлари даражасида ечиладиган муаммолар;

2) макродаражада, яъни алоҳида давлат микёсида ҳал этиладиган муаммолар;

3) глобал даражада, яъни бутун дунё микёснда ҳал этиладиган муаммолар.

Бозор иктисодиёти шароитида ҳар қандай ишлаб чиқарувчининг микродаражада пировард мақсади максимал мумкин бўлган фойда олиш ҳисобланади. Бу мақсадга у мавжуд ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳисобига эришиши мумкин.

Шуни айтиб ўтиш керакки, микродаражада ресурсларни тежаш ишлаб чиқарувчининг шахсий (якка) манфаатлари билан белгиланиб, у давлат назорати мавжуд бўлмаган шароитда иктисодий эгоизм хусусиятига эга бўлади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришга эришиш ва юқори фойда олиш учун зарарли бўлган технологияни қўллайди, тозаловчи қурилмаларни қуриш ва бошқалардан қочади. Шу сабабли микродаражада ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш макродаражадаги шундай муаммолар билан узвий боғлиқдир.

Ҳар қандай давлатнинг ривожланиш даражаси унинг алоҳида ҳўжалик бирликларининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Шу сабабли давлатнинг иктисодий соҳадаги асосий вазифаси – ҳўжалик юритувчи субъектларнинг самарали амал қилиши учун шароит яратишдир. Бундай шароитлар сирасига биз қуйидагиларни ҳам киритишни таклиф этамиз:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун зарур бўлган сифатли ва арзон хом ашё ўринбосарларини яратиш соҳасидаги хорижий тажриба ва илмий тадқиқотларни давлат бюджети ҳисобига молиялаштириш;

- юқори самарали ишлаб чиқаришларга солиқлар бўйича имтиёзлар бериш;

- ресурслардан тежамли фойдаланаётган ҳўжалик юритувчи субъектларни ҳар томоилама рағбатлантириш ва бошқа тадбирлар.

Фойдали қазилмаларнинг тақчиллиги хом ашё манбалари учун алоҳида ишлаб чиқарувчилар ўртасидагина эмас, балки бутун бир давлатлар ўртасида ҳам рақобат қурашининг кучайишига олиб келади. Мутахасссларнинг таъкидлашларича, яқин келажакда хом ашё манбаларига эга бўлган, бошқалардан илгарироқ янги, чиқиндисиз теҳнологияларда ва энергиянинг арзон манбалари: қуёш, сув, шамол энергиясидан фойдаланишга ўтган давлатлар дунёда ус-

тунликка эга бўладилар. Шу сабабли ресурслар чекланган шароитда алоҳида ишлаб чиқарувчиларнинг хўжалик фаолияти янада кўпроқ макродаражада ҳал этиладиган муаммолар билан белгиланади.

Бутун дунё миқёсида ҳал этиладиган муаммолар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва унинг салбий таъсири натижасида сайёрада вулжудга келаётган сезиларли акс таъсирлар билан белгиланиб, мавжуд биосфера мувозанатини бузади. Кўп ишлаб чиқариш ва яхши яшашга интилиш атроф-мухитнинг ифлосланиши муаммоси билаи бирга боради. Бугунги кунда ер атмосферасига ҳар йили 250 млн. тонна атрофида чанглар, 145 млн. тонна олтингургурт икки оксиди, 1 млн. тонна қалайи, фтор, хлор ва бошқа бирикмалар чиқарилмоқда. 160 км³ саноат чиқиндилари дарё, анҳор, денгиз ва океанларга чиқариб ташланмоқда.¹⁸ Об-ҳаво, сув, тупроқнинг жадал ифлосланиши юз бермоқда. Бу алоҳида корхона, давлат чегараси доирасини тан олмайди ва умумжаҳон хусусиятига эгадир.

Ушбу муаммолар иафакат айрим мамлакатлар, балки бутун жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига асосий тўсиқ ҳисобланади. Шунинг учун тежамкорлик масаласи бўйича барча давлатлар бир-бирлари билан ўзаро алоқдорликда фаолият олиб боришлари лозим.

Тежамкорликни таъминлаш моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ўстириш бўйича бутун амалий ишларнинг асоси ҳисобланади. Унинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатамиз:

- ресурслар тежамкорлигини таъминлашнинг маъмурий усулларида иқтисодий усулларига ўттиш;

- ресурслар тежамкорлигини мақсадли дастурлар асосида ташкил қилиш, ресурсларни тежаш сиёсатининг миқдорий аниқ мақсадларини ишлаб чиқиш ва уларга ташкилий-техник чора-тадбирлар, биринчи навбатда ФТТ ютуқларини қўллаш асосида эришишни ташкил қилиш;

- харажатларнинг ҳамда барча турдаги моддий ресурсларнинг илғор техник-иқтисодий меъёрлари тизимини яратиш;

- меҳнат интизомини ўстириш;

- барча турдаги ресурслар тежамкорлигини иқтисодий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ҳамда хўжасизлик ва исрофгарчилик учун жавобгарликни ўстириш (бу эса ресурслар тежамкорлигига таъсирчан рағбат ҳисобланади);

- кадрларнинг иқтисодий билимларини ошириш, ўқитиш, ресурслар тежамкорлиги соҳасидаги илғор тажрибаларни умумлаштириш ва тарқатиш.

Бундан ташқари, эҳтиёжларни тўлароқ кондириш мавжуд ресурслар захирасини кўпайтиришни ҳам талаб қилади. Ресурсларни ўстириш омиллари ичида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш зарур:

- истеъмол қилинадиган ресурслар таркибининг оқилоналигини белгиловчи таркибий омил (ресурсларнинг янги турларини – анъанавий ресурслар самарали ўринбосарларини қўллаш, хом ашё, материал ва ёкилғининг ҳар хил маҳаллий турларидан фойдаланиш). Бунда ўриндош товарлари ва иккиламчи

¹⁸ Қаранг: Зубко Н.М. Экономическая теория. – Минск: НТЦ АПИ, 1998.-С.64.

хом ашёларни ишлатишдан фойда олиш, шунингдек, яқуний маҳсулотнинг шаклланиши жараёнида ресурсларни тежашга эътиборни кучайтириш натижа-сида хом ашё ва материалларни истеъмол қилишининг иқтисодий жиҳатдан са-марали таркибини яратиш зарур;

- берилган истеъмол хусусияти ва паст материал сифимига эга бўлган янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳамда чиқарилаётган маҳсулот оғирлиги кўрсаткичларининг пасайишини белгиловчи конструкцион омил;

- бирламчи хом ашёдан тўларок фойдаланишни, чиқинди ва йўқотишларни қисқартириш ҳамда иккиламчи ресурсларни асосий технологик жараён талаб-ларига мувофиқ истеъмолга тайёрлаш асосида ишлаб чиқаришга жалб қилишни белгиловчи технологик омил. Бу омиллар орқали янги технологиялар яратиш, илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлари, шунингдек, маҳсулотнинг материал сифими даражасини мунтазам равишда пасайтириш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнларида материалларни тежаш таъминланади;

- нақд, аммо ишлатилмайдиган ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб қилишни ва ички захираларни ҳаракатлантиришни белгиловчи ташкилий омил. Бу орқали ишлаб чиқаришга мутаносиб равишда сақланаётган ресурслар миқдорига таъсир этувчи захираларнинг камайишини ҳисобга олган ҳолда уларни эҳтиёткорлик билан сақлаш; айланма харажатларни пасайтириш йўли билан ресурсларни тежашга тўғридан-тўғри ёрдам берувчи ишлаб чиқариш во-ситаларининг самарали айланишини таъминлашга эришилади.

Ресурслардан тежамли фойдаланишда эҳтиёжларни қисқартириш омилла-ри ҳам муҳим ўринни эгаллаб, улар қуйидагиларда кўринади:

- маҳсулот сифати, унинг чидамлилиги ва эскирмаслик даражасини оши-риш; бу маҳсулотни қўшимча ишлаб чиқаришга ҳамда таъмирлаш ишларини ўтказишга кетадиган зарур ресурсларга бўлган эҳтиёжни қисқартиришни бел-гилайди;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот энергия сифимини пасайтириш; бу энер-гия ресурсларидан фойдаланиш жараёнида уларни тежашни билдириб, энергия-га бўлган эҳтиёжларни қисқартиради;

- ресурсларнинг самарали турларини чиқариш (прокатнинг тежамли турла-ри, қурилиш материалларининг енгил конструкциялари ва бошқалар); бу улар-дан фойдаланиш умумий ҳажмларини, ишлаб чиқаришдаги чиқинди ва йўқотишларни ҳамда бу ресурсларнинг ўзларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ресурс харажатларини камайтиришни таъминлайди;

- ишлаб чиқариш истеъмолига хом ашё, материал ва ёқилғини унумли тай-ёрлаш; бу улардан фойдаланиш коэффициентини оширади, чиқиндилар миқдорини камайтиради, истеъмолчилар ўртасида ресурсларни қайта тақсимлашни ташкил қилишга ва дастлабки хом ашёни самарали қайта ишлаш-га ёрдам беради, корхонанинг уларга бўлган талабини камайтиради;

- ресурс йўқотишларининг барча турлари (сақлаш, жўнатиш ва бошқалар)ни қисқартириш.

Ресурслар тежамкорлигининг барча саноат ўтилган омилларини амалга ошириш муаммони ишчи кучининг моддий ресурсларни тежамли ва оқилона ишлатишдан моддий манфаатдорлигини ўстириш учун янги тизим барча ун-

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....		3
1-БОБ.	ТЕЖАМКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА УНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1.	Тежамкорлик тўғрисидаги турли назарий қарашларнинг таҳлили.....	9
1.2.	Тежамкорликнинг иқтисодий мазмуни, зарурлиги ва омиллари....	18
1.3.	Ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг услубий масалалари	30
2-БОБ.	МУТАНОСИБЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДАГИ МАЗМУНИ ВА УНИНГ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ	37
2.1.	Мутаносибликнинг иқтисодий категория сифатидаги мазмуни	37
2.2.	Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида мутаносибликни таъминлашнинг объектив зарурлиги.....	49
2.3.	Иқтисодий мутаносибликнинг мувозанат ва бошқа иқтисодий категориялар билан ўзаро боғлиқлиги ва таъсири.....	62
3-БОБ.	МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТУРЛИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ.....	71
3.1.	Умумиқтисодий мутаносибликлар ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари	71
3.2.	Тармоқлараро мутаносибликлар ва уларнинг таркибий ўзгаришлар жараёнидаги роли.....	84
3.3.	Ишлаб чиқариш ичидаги мутаносибликларнинг иқтисодий таъсири ва уларни таъмирлаш эҳтимоли.....	97
4-БОБ.	ИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТ ВА МУТАНОСИБЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ.....	109
4.1.	Иқтисодий мувозанат ва мутаносибликнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар.....	109
4.2.	Иқтисодий мувозанат ва мутаносибликни таъминлашнинг бозор механизми.....	121
4.3.	Иқтисодий мувозанат ва мутаносибликни таъминлашнинг давлат механизми ва унинг такомиллаштирилиши	131
5-БОБ.	МУВОЗАНАТ ВА МУТАНОСИБЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – ИҚТИСОДИЙ ИНКИБАЗНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАҲАМКОР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ	143

5.1.	Мувозанатлик ва мутаносибликни таъмиллаш – инқирознинг олдини олиш ва иқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим йўналишидир	143
5.2.	Мувозанатлик ва мутаносиблик - иқтисодий самарадорлиқни ошириш омили	159
5.3.	Иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантириш – иқтисодий ресурслардан тежамли фойдаланишнинг устивор йўналиши	174
6-БОБ.	ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТУРЛИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ВА ЖАРАЁНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	186
6.1.	Пул массаси билан товар ва хизматлар ҳажми ўртасидаги нисбатни мослаштириш – иқтисодиётни барқарорлаштириш асоси	186
6.2.	Ишчи кучи талаби ва таклифини мувозанатлаш – унинг самарали бандлигини таъминлаш шарти сифатида	192
6.3.	Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш орқали унинг рақобатбардошлиги ва мутаносиблигини янада ошириш	208
6.4.	Иқтисодиётнинг йирик ва кичик бизнес корхоналари секторлари ўртасида мутаносибликни таъминлаш	216
ХУЛОСА		235
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ		244

**Ш.Ш.ШОДМОНОВ, У.В.ҒАФУРОВ,
О.Ҳ.ҲАМРОЕВ, Э.Ш. ШАДМАНОВ**

**ИҚТИСОДИЁТДА ТЕЖАМКОРЛИК ВА
МУТАИОСИБЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

Нашр учун масъул:
Қурбонмурод ЖУМАЕВ

Техник муҳаррир:
Акбарали МАМАСОЛИЕВ

“ADIB NASHRIYOTI” МЧЖ.100027, Тошкент ш.,
Ўзбекистон кўчаси 16 А - уй.

Босмахонага топширилди: 01.12.2010 й. Босишга рухсат
этилди: 15.12.2010 й. Бичими 60x841/16. Офсет қоғози. Офсет
усулида босилди. Ҳажми 16 .0 б.т., Адади 100 дона.
Буюртма №115. Баҳоси келишилган нарҳда.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент ш., Учтепа тумани,
21-мавзе, Фарҳод, 1“А”